

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 108 (11.419) Баҳоси эркин нарҳда

XXI садоси

аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Жанубий Кореянинг «Кореян Эйр» авиакомпаниясининг келишувига биноан Навоий халқаро аэропортидан Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрига дастлабки юк ташувчи «А-300» русумли самолёт парвози амалга оширилди. Эндликда Навоий халқаро аэропортидан «Навоий — Дехли — Навоий», «Навоий — Бангкок — Навоий», «Навоий — Мумбай — Навоий» йўналишларининг ҳар бирига ҳафтада уч мартадан рейслар амалга оширилади.
- Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан «Фаргона нон» акциядорлик жамияти ташаббуси билан Фаргона, Марғилон шаҳарлари ҳамда Фарғонадаги Мурувват уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 80 нафар болага дастурхон ёзилиб, суннат тўйи ўтказилди. Жамият томонидан тўй болаларининг ҳар бири номига 100 минг сўмдан омонат дафтарчалари очилди.
- Ўзбекистон тарихи давлат музейида ёш ижодкорларнинг «Меъмор — 2009» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда мазкур музей ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кўплаб истеъдодли ёшлар янгича ва ўзига хос йўналишдаги лойиҳалари билан иштирок этишди.
- Наманган шаҳрида пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Водий ипаги» масъулият чекланган жамияти иш бошлади. Корхонанинг хориж технологияси билан жиҳозланган цехларида жамғарилган хом ашёдан йил охиригача 65 тонна табиий ва 60 тонна газна ипак тайёрланади. Маҳсулотнинг асосий қисмини Японияга экспорт қилиш режалаштирилган.
- Булоқбоши туманидаги Кумгузар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бўш турган бинода тадбиркор Ёркиной Сотиболдиева касаначилик фаолиятини йўлга қўйди. У олти та тикув машинаси олиб келиб, болалар ва катталар учун кийим тикадиган цех очди. Натижада 10 нафар уй бекаси иш билан таъминланди.
- Наманган вилоятида жорий йилнинг 1 сентябрида 27 мингга яқин ўқувчилар 43 та реконструкция қилинган мактабларда ўқишни бошладилар, 27 та спорт мажмуалари ва залларида эса машғулотлар ўтказилди. Жорий йилда мазкур объектларнинг таъмирланиши ва қурилиши учун 17 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

ЖАҲОНДА

- Сальвадор ва Куба давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар тикланди.
- Расмий Вашингтон Жанубий Осетияда бўлиб ўтган парламент сайловларини тан олмаслигини билдирди.
- АҚШ Президенти Барак Обама мамлакат иқтисодидеги устунларидан бири бўлган General Motors концернини банкротликдан қутқариб қолиш мақсадида 30,1 миллиард доллар ҳажмида қўшимча молиявий ёрдам ажратилишини билдирди. Шунингдек, Канада ҳам ушбу концернга 9,5 миллиард доллар миқдорда кўмак кўрсатади.
- Сальвадорда бўлиб ўтган президент сайловлари якунига кўра мамлакат тарихида илк бор сўл кучлар вакили М.Фунес давлат раҳбари сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди.
- Кеча эрталаб Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридан Парижга томон парвоз қилаётган Air France авиакомпаниясига қарашли А-330 аэробуси Атлантика океани устидан учиб ўтаётган пайтда радарлар экранидан ғойиб бўлди ва у билан ҳар қандай алоқалар тўхтади. Самолёт бортида 32 мамлакатнинг фуқаролари бўлиши 216 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзолари бор эди. Тахминларга кўра мазкур самолёт яшин уриши натижасида океан устида ҳалокатга учраган.
- АҚШ ва Куба миграция ва почта алоқаси масаласи бўйича музокараларни бошлади. Zero, Куба раҳбарияти Барак Обама маъмурияти томонидан илгари сурилган мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлади.
- Шимолий Корея узок масофага учувчи баллистик ракета синовини ўтказишга тайёрланмоқда. Маълумотларга кўра, кеча эрталаб баллистик ракета старт майдончасига етказилган ва бу ердан яқин кунлар ичида унинг парвози амалга оширилади.
- Макроиктисодий янгиликлар асосида кеча жаҳоннинг етакчи бижаларида нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди.
- Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти А/Н1Н1 вируси билан касалланганлар сони дунёнинг 62 та мамлакатиде 17,4 минг кишига етганлигини маълум қилди.
- Кеча Покистоннинг шимоли-ғарбида «Толибон» ҳаракати жангарилари томонидан бир неча юз киши гаровга олинди. Уларнинг кўпчилигини ўқувчилар ташкил этади. Ҳозирда мамлакат маъмурилари гаровдагиларни озод қилиш юзасидан музокаралар олиб боришмоқда.

НАВОИЙДА УЧРАШГУНЧА, ХАЙР! Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари якунланди



...Байрамона безатилган «Ёшлик» марказий стадионида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари машъаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчи ва артистлар вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган тадбир бошланди. Майдонга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар терма жамоалари чиқиб келди. Ҳаяжонли дақиқалар — голибларни тақдирлаш маросими бошланди. Кескин ва мурасиз курашлар остида ўтган мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сирдарё ва учинчи поғонадан жой олган Хоразм вилояти жамоаларига Президент соврини — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, галабага интилишини намоян этган, тенгурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ўқувчилар махсус совринлар билан тақдирланди. — Спорт, дўстлик ва нафосат байрами — «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари рекордларга ва унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди сузиш бўйича олтин медал соҳибаси пойтахтлик Юлдуз Қўчқорова. — Мусобақалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт муттасил ривожланаётганини кўрсатди. Бу — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз истеъдодимизни кенг намойиш қилишимиз учун яратилаётган улкан имкониятлар бераётган юксак самаралардан-дир. (Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЧОҒИДА ФИДОЙИЛИК ВА МАРДЛИК НАМУНАСИНИ КЎРСАТГАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидойилиги, мардлиги ҳамда шахсий таркиб ўртасида жанговар, сиёсий тайёргарликни оширишда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан
Нурбаев Ўткирбек Юлдашалиевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори
Холмирзаев Бахтиёр Авазбекович (мархум) — Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Алоҳида йўл-патруль хизмати отряди катта инспектори

«Жасорат» медаллари билан
Маматқулов Исмоилжон Қобулович — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Таъминлаш бўлинималари старшиниси
Юлдашев Абдукарим Эргашевич — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро Қўриқлаш бўлинимаси милиционер

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 1 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасига ташир-фим давомидан Сиз ва Ўзбекистон халқ томонидан кўрсатилган иззат-иқром ва самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз. Бутун ташир-фим асносида, аэропортдан Самарқанд шаҳригача, мен билан бирга бўлиш имконини топганингиз мени гоёт қувонтирди ва уни ҳеч қачон унутмайман. Айниқса, ислом маданиятининг улугвор ва бетакрор тарихий ёдгорликлари, Амир Темур салтанати руҳини мужассам этган Регистон майдони ва Гўри Амир мақбараси ҳақида шахсан ўзингиз сўзлаб берганингиз менда ўчмас таассурот қолдирди.
Сизнинг Ўзбекистонни ўрта ва узок муддатли ривожлантириш борасидаги фикр ва режаларингиз, айни пайтда Сиз, Жаноби Олийларининг Марказий Осиё атрофидаги халқаро вазият, ислом олами мамлакатларининг тарихи ва маданияти ҳақидаги теран билим ва қарашларингиз Сизга бўлган ҳур-мат-эҳтиромимни янада оширди ва мени гоёт ҳаяжонга солди.
Сиз билан бўлиб ўтган учрашув Корея ва Ўзбекистон бир-бирига ҳақиқатан ҳам керак бўлган ва тараққий этиш учун мунтазам ҳамкорлик йўлидан доимо биргаликда борадиган шериклар эканига ишончимни янада мустаҳкамлаш имконини берди. Музокараларимизда муҳокама қилинган энг асосий қўшма лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун келгусида ҳам Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришимизга мен астойдил ишонаман.
Самимий меҳмондорчилик учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сиз, Жаноби Олийлари, ўзингиз учун қулай вақтда Корея Республикасига ташир-фурасиз, деб умид қиламан.
Сизга мустаҳкам сўхат-саломатлик, Ўзбекистон Республикасининг эса доимо гуллаб-яшнашини тилайман.
Ли Мён БАК,
Корея Республикаси Президенти

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташаббуси билан бошқа кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган болалар-шоу байрам тадбири «Хар бир фарзанда меҳр-эътибор» шиори остида ўтказилди. Тадбирга шахримиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус интернатлар тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ва боқувчисини йўқотган болалар тақдир этилди.
Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахмонова кириш сўзи билан очиб, кўзларида қувонч порлаб турган болажонларни шодиёна байрамлари билан муборакбод этар экан, жумладан шундай деди: «Фарзандларимиз мустақил юртимиз келажаги ва эртанги кунимиз эгаларидир. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари, соғлом, билимли, ҳунарли, маънан етук инсон бўлиб вояга етишлари йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу байрам тадбирини ўтказишдан мақсад болажонларга шодлик, қувонч улаштириш, шу азиз Ватанимизнинг уларга бўлган меҳр-муҳаббатини юракдан аниқлашлари, обод юртимизга муносиб ворис бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини тушунтиришдан иборат».


Байрам дастурида «Моҳир қўллар» шиори остида болалар ўз қўллари билан ясаган авиамоделлар кўргазмасини намойиш этдилар. «Болалар қувончи — олам қувончи» шиори остида асосий сахнада виқорина ўйинлари, «Биз соғлом авлодларимиз» мавзусида спорт мусобақалари, «Тинчлик бўлсин оламда» йўналишида асфальтга расм чизиш, «Иқтидорли ёшлар — Ватан келажаги» блокада Бола ҳуқуқлари Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йил-

ФАРЗАНДЛАР КУЛГУСИДА — ОЛАМ ШОДЛИГИ

Кеча шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бири Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан болажонлар билан гавжум бўлди.

лигга бағишланган виқорина ўйинлари бўлиб ўтди. Шунингдек, сеvimли эстрада хонандалари ҳамда «Севинч» болалар дастасининг қувонқ ва шўх кўшиқларига болажонлар жўр бўлиб, қувнаб рақсга тушишди. Шодиёна байрам тўсини олган тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.
Дарҳақиқат, боғдаги байрам тадбири то кечга қадар давом этди. Жажжи болажонларнинг беғубор чеҳраларида қувонч, бахтиёрлик уфуриб турди. Уларнинг бахтиёр ва шодиёна кулгулари оламни тўтди.
Дилором ИКРОМОВА

- ✓ **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида Тошкент шаҳар Корея миллий маданият маркази ҳамкорлигида ўтказилган рақс кечаси тадбири «Даврани кенгроқ олинг» деб номланди.
- ✓ **КЕЧА** Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, тарбиячилари иштирокида уюштирилган тадбир — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланди.
- ✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Назм ва наво» кечаси ўтказилди.



Жорий йилда жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, «Шарқ дарвозаси» номини олган, дўстлик ва тинчлик шаҳри бўлиш Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади.

моғи бор эди бу ерда. Хуллас, аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун қулай шарт-шароит яратилиб берилмаган эди. Ахир, кўчалар кенг ва раво бўлса, шаҳар улғувор бўлиб туолади-да. Кўчаларига қараб шаҳарга баҳо берилади.

Муस्ताқиллигимиз шарофати билан азим Тошкент шаҳри бугунги кунда янада гуллаб-яшнамоқда ва ривожланмоқда, янгича қиёфа ва шухуқ касб этмоқда. Бир пайтлар шаҳардаги эски, чанг босиб ётган, қинғир-қийшиқ ва тор кўчалар ўрнида эндиликда замонавий шох кўчалар ва майдонлар, осмонўпар бинолар, турар-жойлар, йирик ишлаб чиқариш кор-

ган Кўқалдош мадрасаси шулар жумласидандир. Буюк аждодларимизнинг маънавий олами, фалсафаси, маданиятини кенг тарғиб этувчи чоп этилаётган китоблар ва бошқа нашрлар асрий кадрларимиз нечоғлиқ асраб-авайланаётганлигидан далolat беради.

ратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ишларнинг жонлантириб юборилганлиги барча қатори биз кекса авлод вакилларини ҳам қувонтирмоқда. Ахир қадимий ва навқирон Тошкент шаҳри барча қатори биз нурунийларнинг ҳам фахримиз-ку.

Мукаррам МУХИТДИНОВА, меҳнат фахрийси, олима:

Тошкент — она шаҳрим бўлганидан гоятда фахрланаман. У бутун жаҳонга машҳур буюк олим ва уламолар шаҳри ҳисобланади. Тошкент Хожа Аҳрор Валий, Баҳриддин Чочий, Абуабкар Шоший сингари кўлаб алломалар яшаган шаҳар. Қори-Нибзий, Теша Зоҳидов, Мухаммад Ҳасанов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиiddин, Халил Раҳматуллин каби академик олимлар шаҳримиз тарихида ўнмаз из қолдирганлар.

Шаҳар тарихи ҳақида гап кетгудек бўлса, ёшлик йилларим эсимга тушаверади. Менинг болалигим Ишчилар шаҳарчаси кўчаларида елиб-югуриш, турли ўйинлар ўйнаш билан ўтган, десам тўғри бўлади. Уша пайтда бу кўчалар ниятда тор, устига-устак нотекис ҳам эди. Шу кўчалардан ўтган пайтларимда унинг тупроғидан ёзғин жазирама офтобидан сўкларни қурқ, қиш кунлари эса лоғга ботиб кетарди.

Шуниси яхши эсимда. Уша пайтда Ишчилар шаҳарчаси билан Эски Жўва йўналиши ўртасида бир вагондан иборат биттагина трамвай катнард эди. У ҳам бир йўли бўлиб, шаҳарнинг Эски Жўва ҳудудига етган, яна уша изидан орқасига қайтарди. Бу эса, аҳоли учун анча қийинчиликлар туғдирар эди. Бугун эса, бутунлай бошқача манзарани кўраемиз. Бу ерда биргина транспорт соҳасининг ўзидagina муҳим ўзгаришлар содир бўлган. Эндиликда ўшбу ҳудудда барча қўлайликларга эга кўлаб замонавий транспортнинг янги-янги турлари йўлга қўйилган бўлиб, шаҳар аҳолисига беҳимнат хизмат кўрсатмоқда.

Буюк истиқлол туғайли она Тошкентимиз янада ривожланиб, ўзгача чирой очмоқда. Бу ерда кўлаб замонавий бинолар қад кўтармоқда, шохкўчалар, майдонлар жадал сурьатлар билан бунёд этилмоқда. Пойтахтимиз марказида барпо қилинган Хотира майдони, Муस्ताқиллик майдонидagi ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва азгу ниятларимиз рамзи бўлган Муस्ताқиллик ва азгулик монументи шаҳримиз кўрғига қўқ қўшиб турибди.

Тошкент — тинчлик, дўстлик ва қардошлиқ шаҳри ҳамдир. Бу ерда ижтимоий тараққиёт, фан, техника, маданият ва санъат ҳамда спорт масалаларига бағишланган халқаро анжуманларини ўтказиш анъанасига айланган.

Она шаҳрим — Тошкентим, унга бўлган меҳр-муҳаббатим она алласи каби кўнглимга жо бўлган. Мана 70 йилдан эъдики, унинг бағрида ўсдим, улгайдим, ўз орзۇмига эришдим, бу мендек бир ўзбек аёли учун катта бахт. Мен бундай бахтга муассар бўлганимдан жуда фахрланаман.

Субҳатни Турсунбой БОТИРБЕКОВ ёзиб олди.

Фан ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти лабораториясида яна қатор техника ангиликлари юзага келди. «Локомотивларнинг ўқув электр двигателининг қутбли чулғами» деган тадқиқоти ҳам ўз ижобий самарасини берди.

Механик олимлар изланишлари билан «Транспорт во-ситалари кузовининг пол тўшамаси» деб номланган рационализаторлик таклифи яратилди. Бу лойиҳа устида изланиш олиб боришда Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти «Автоматика ва телемеханика» факультети ходимлари билан илмий ҳамкорлик қўл келди. Янги лойиҳалардан республика темир йўл транспорти тизимида локомотивларни созлашда кенг фойдаланилади.

Институт ва олий ўқув юрти ҳамкорлигида электро-өздларни ҳаракатлантиришни таъминлашга онд тадқиқотларга ҳам қўл урилди.

НАВБАТДАГИ ШАРТНОМА

Мана бир неча йилдирки, Россиядаги алоқа тизими илмий муассасалари республикамиздаги турдош тадқиқот ўчоқлари билан яқиндан алоқа боғлаб келишмоқда.

Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург телекоммуникациялар университети билан ҳамкорлик Тошкент Ахборот технологиялари университетига малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Россия олий ўқув юртининг «Техник электродинамика» кафедрасида оптик талаби алоқага доир изланишлар ҳам қўл келмоқда. Ўшбу кафедра вакиллари ақинда Тошкент Ахборот технологиялари университетига бўлиб «телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедрасида изланишлари билан танишдилар.

Узаро мулоқотлар чоғида хар икки кафедра ўртасида тадқиқотлар олиб бориш юзасидан навбатдаги ҳамкорлик шартномаси тузилди. Айни вақтда лаборатория ишларини бажаришга мослаштирилган ўқув ашёлари тақдим этилди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти номиндан олиб борилаётган самарали изланишлар натижалари халқаро доирада ҳам тан олинмоқда.

Бу соҳага йўналтирилган 30 га яқин давлат гранти ва бир неча халқаро лойиҳалар бўйича бажарилган тадқиқотлар табиий бирикмалар кимёси фанига муносиб ҳисса бўлиб келмоқда.

Мазкур йирик тадқиқот ўчоғида табиий бирикмалар кимёсига бағишланиб ўтказилган анжуманда институт олимлари томонидан кейинги йилларда эришилган ютуқлар атрофлича таҳлил қилинди.

Илмий муассасанинг кимё сонаоти ва фармакология технологиясига қўшаётган ҳиссаси ҳам алоҳида таъкидланди.

Тиббиёт

ХОРИЖЛИК ШИФОКОРЛАР ИШТИРОКИДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика радиологлари уюшмаси томонидан уюштирилган анжуман «Тиббий визуализация ва интервенцион радиологиянинг замонавий усуллари» деган мавзуга бағишланди.

Мамлакатимиз шифокор олимлари ҳамда Россия, Бельгия, Австрия каби давлатлар йирик мутахассислари иштирокида ўтказилган бу тадбирда ўшбу тузилмада амалга оширилётган тиббий муолажалар самаралари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шифокорларда фойдаланиш истиқболлари ва инновацион лойиҳалар ижросини таъминлаш масалалари кўриб чикилди.

ИЛМИЙ МАРКАЗДА АНЖУМАН

Кейинги йилларда республика онкология илмий марказида самарали тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда марказнинг халқаро алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкентда уюштирилган «Усмаларни даволашда инновациялар» деб номланган республика илмий-амалий конференциясида ҳам чет эллик мутахассис олимлар катнашдилар.

Франциядан келган онколог шифокорлар ҳам сўзга чиқиб, соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида маълумот бердилар. Тошкент Тиббиёт академиясида ташкил этилган учрашув ҳам француз олимларида яхши таассурот қолдирди.

Акбар АЛИЕВ

ТОШКЕНТИМ — ФАХРИМ



хоналари, маданий-маиший объектилар, таълим муассасалари ҳамда дам олиш масканлари бунёд этилган.

Шаҳарнинг меъморий қиёфаси, анъанавий турмуш тарзи ва маҳалалараро алоқалари сақлаб қолиниб, унинг тарихан ташкил толган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар олиб боришмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шаҳсан ташаббуслари билан Эски шаҳарни ободонлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Натيجида шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. У янада кўрак ва чиройли туш олди. Транспортнинг янги турлари катновий йўлга қўйилди. Бундан бир неча йил муқаддам Сағбон, Қорасарой ва Фобрий кўчаларига йўли тушган одамнинг хошира бу кўчаларни таниши жуда ҳам қийин. Бугунги кунда улар-

Биз кекса авлод вакиллари Юртбошимиз раҳнамолигида она шаҳримизнинг янада гуллаб-яшнаётгани ва ривожланаётганидан, унинг юксак нуфузи ва макени, дунё миқёсидаги обрў-эътибори тобора ошаётганлигидан жуда фахрланамиз.

НОЗИМ НОСИРОВ, 83 ёшли нуруний:

Тошкент шаҳри қадим-қадимдан илм-фан ва маданиятининг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи деб тан олинган. Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳозирги кунда шаҳаримизда халқимизнинг кўлаб азиз ва муқаддас қадимлари сифатли таъмирланмоқда, янги зиёратгоҳлар бунёд этилмоқда. Ислам ўғиниши даврининг ноҳир қўлвемалари, табаррук Усмон Қўрьони кўз қорачиқидек сақланаётган илмий хазиналари — кутубхоналар, янгидан бунёд этилган Ислам университети, ўзгача қўқ оч-

монлама ривожланишида муҳим ўрин тутуди. Унинг ҳақи равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олгани ҳам бежиз эмас албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда, шаҳримиз минтақада ислом маданиятининг тобора юксалишида ҳам илмий марказлардан бири бўлган. Шу боис, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — АЙСЕКО (ISESCO) томонидан суқули Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислам маданияти пойтахти» деб эълон қилинганлигини бутун муслмон олами ақдидлик билан маъқуллади. Бу олий мақом мамлакатимизда изчил амалга оширилётган бунёдкорлик ишлари берилган муносиб баҳодир.

Юбилей муносабати билан ҳозирда Тошкент шаҳридаги мавжуд тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадимкорларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, янги замонавий объектилар қуриш, пойтахтнинг ижтимоий инф-

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Барчамизга бирдек азиз даргоҳларда «сўнги кўнгирак» ҳам чалинди. Мактабларимиз бироз суқунат домига киргандай бўлди. Аммо фақат бироз. Шу кунларда болаларнинг шўх-шўх овозлари айнан мактаблар томон эшитилаётир. Ҳа, анча жиддий жараён — имтиҳонлар бошланган. Назоримизда, ўқувчилар ўз ҳаяжонларини ўйин-қулгу билан енгиб ўтишга ҳаракат қилаётирлар...

Шулар ҳақида фикр алмашиш мақсадида 128-мактабга таширф бурдик.

Туғаетган ўқув йилида ижодий муҳитни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди, — дейди мактаб директори Дилфуза Нурхўжаева. — Мактабимизда йил давомида синфлараро «Нафосатли тўрт малика», Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб иншоолар ва рефератлар танловлари ўтказилди. Қизиларини «Тошкентнинг ой қизиман» кўрик-танловининг Чилонзор тумани босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Бундан ташқари ўқувчиларимиз Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази томонидан ўтказилган «Кўнчирак мамлакат» мавзусидаги саккизинчи танловда ҳам шундай натижага эришди. Айниқса, битирувчи синфларимиз бу борада фаоллик кўрсатишди. Бу йили 56 нафар ўғил-қизларимиз мактабни тугатмоқда, шулардан беш нафари 22-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларидир. Уларнинг касб танлаш йўналишлари аниқ. Шу мавзуда ота-оналар билан тўрт марта суҳбатда бўлди. Битирувчиларимизнинг кўпчилиги 1-Тошкент тиббиёт коллежида ўқиш ниятида. Балки, бу мактабимиз аниқ фанларга ихтисослашгани боисдир.

Мактабнинг иқтидорли битирувчиларидан Зухра Комилова билан таассуротлар ҳақида гаплашди. — Мактабимизда таниқли санъаткорлар Обид Асомов ва Ўткир Сиддиқовлар таҳсил олишган. Мен ҳам санъат йўлидан бормоқчиман, — дейди у.

Бизда спорт ҳамда техник қурилмалар яшаш тўғрақлари ташкил этилган, — дейди 9-синф ўқувчиси Шухрат Усмонов. — Физика фанига қизиқаман. Келажда мактабимнинг номини кўларга кўтарадиган олим бўлоқчиман...

Ўқувчиларнинг барчаси — ҳаяжон қамровида... Ҳаёт остонасига қўйиладиган илк қадамлар олдиндан аллақандай шиддат мужассам. Айни пайтда улардаги шижоатни ҳеч бир кишидан топа олмайсиз.

Зебунисо НАЗИРОВА, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

Албатта, ўшбу дастур асосида иш юритаётган корхоналарнинг имкониётлардан оқилона фойдаланиб фаолият кўрсатаётганлиги иқтисодиётимизнинг четдан келтириладиган маҳсулотларга талабини камайитрибгина қолмай, балки турли сонаот тармоқлари корхоналари ўртасидаги кооперациянинг янги қирраларини ҳам очмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ТЕМІРСН» акциядорлик жамиятида ёғ-мой тармоқлари корхоналари учун технологик жиҳоз ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Тадбиркорлик билан изланаётган жамоа мутахассислари буюртмаларни ҳаммаша тез ва соз бажаришга ҳаракат қилишади. Ёғ-мой ва озик-овқат сонаоти ассоциацияси таркибига кирувчи жамият асосан тармоқларнинг йирик корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, маҳаллийлаштириш дастури ижросига катта эътибор қаратмоқда. Бунинг натижаси эса яхши самара бериб бир қатор керакли ва зарур дастгоҳлар, бутловчи қисмлар тайёрланмоқдаки, улар тармоқ маҳаллийлаштириш дастурига киритилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бозор талаблари асосидаги изланишлар, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш ҳамда буюртмачиларга етказиб бериш, сифатга эътибор қаратиш натижасида

корхонанинг нуфузи ортмоқда, харидорлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Махсулот турларини кўпайтиришга, рақобатбардорлигини оширишга интилиш уларнинг янги хилларида акс этиб турибди. Утган йилда маҳаллийлаштиришнинг тармоқ дастурига кўра БС биттер-сепараторини яратишга муваффақ бўлинди. Авваллари ёғ-мой сонаотига зарур

Ислоҳотлар самараси

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, шу асосда турли-туман маҳсулотлар тайёрланаётганлиги, уларнинг четдан келтириладиган шундай товарлар ўрнини босаётганлиги эътиборлидир.

ўшбу агрегат хориждан келтирилди. Эндиликда эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўл келадиган биттер-сепараторларни «ТЕМІРСН» акциядорлик жамияти тайёрлаб бермоқда. У айни пайтда корхоналарга ўрнатилиб, яхши самара берапти.

Утган йилда мана шундай маҳсулотдан буюртма асосида 6 та тайёрлашга муваффақ бўлди, — дейди корхона бош муҳандиси Шухрат Хилватов. — Шуниси эътиборлики, ишлаб

чиқарилган биттер-сепараторлар учун керакли бўлган барча деталларни ўзимиз тайёрлашга муваффақ бўлди. Бундан ташқари минни технологик жиҳозлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор боис тадбиркорлар сафи кенгайиб, уларнинг иқтисодиё-

тига ўрни ортиб бормоқда. Корхонамиз ҳам мазкур соҳа ривожига ҳиссасини қўшиш ниятида янги изланишлар олиб бормоқда. Ёғ ишлаб чиқариш бўйича минни цехлар ташкил этишни йўлга қўйдик. Ушбу маҳсулотимиз ўз бизнесини ташкил қилиш ниятида бўлган тадбиркорларга ниятда қўл келади ва ишлаб чиқаришда фойда беради.

Бугунги кунда корхонада 90 турдаги технологик жиҳоз ва бутловчи эҳтиёт

қисмлари ишлаб чиқаришмоқда. Шуниси эътиборлики, мазкур талаблар даражасидаги товарларга буюртмалар ортиб бораётганлиги ишлаб чиқариш ҳамми юксалишида, олинаётган фойдада муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига, моддий манфаатдорлигига қаратилган эътибор сифат ҳамда самарадорликда яққол кўринмоқда.

Утган йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳамми 1 миллиард 497 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса ўшбу рақамни бир неча баробарга оширишга эришиладики, бу мижозлар сафи ортаётганидан, маҳсулотларга талаб кўпаяётганидан, корхонанинг ички бозорда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамлини бораётганидан далолатдир. Белгиланган режага кўра Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ишлаб чиқариш ҳамми 8 миллиард 750 миллион сўмга етказиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими эса ўшбу маррани эгаллаш учун жамоада барча имкониётлар мавжуд. Янги-янги импорт ўрнини боса оладиган маҳсулот турлари устида изланишлар олиб бораётган малакали кадрлар маҳорати, замонавий дастгоҳ ва усқуналар қуввати, сифатли хом ашё келгуси истиқболни яратишдаги муҳим омиллардан саналади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Мамлакатимиз истиқлолга Эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий масалаларда ҳам ислохотларга юз тутди. Бозор муносабатига ўтиш ва ўзгаришлар жараёнида давлатимиз ривожининг 5 та асосий тамойилларидан бири бўлган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, инсон манфаатлари, оила мустаҳкамлиги, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ БАҲАРАРДИР

Ўтган йиллар мобайнида оиланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган қўлбала ҳужжатлар дунёга келди. Аввало, 1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси бу борадаги мақсадларимизнинг бош омил бўлди, десак муболаға бўлмайди. Унда оила барқарорлигини умуинсоний ва миллий қадриятлар асосида таъминлашга доир қоидалар ўз аксини топангани билан муҳим аҳамият касб этади. Бу эса оиланинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди, унга бўлган эътиборни оширади. Қолаверса, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашга интиларканмиз, ҳаракатларимиз замирида оналик ва болаликнинг ҳимояси алоҳида даурин тутди. Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида ҳам «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб таъкидланади. Қолаверса, давлат томонидан оналик ва болаликни муҳофаза этиш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш оила ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Шунингдек, оила қонунчилигида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий тартиб-қоидалар мавжуд. Масалан, ушбу қонунлар тартибига кўра, болаларни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, деб топишнинг қуйидаги асослари белгиланган бўлиб, уларга ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортиганда, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. (Оила кодексининг 148-моддаси).

Мазкур вазифани, ҳомийликка оид муносабатларни Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси тартибига солиди. Вазифани ва ҳомийлик масалаларини Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли мазмунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида вазифани ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом тартибига солиди.

Вазифани ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шакллари таллашди, шунингдек, уларга таъминот бериш, тарбиялаш ва таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради. Вазифани ва ҳомийлик органларидан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосини (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), қонунда назарда тутилган ҳолларда эса вазифани ва ҳомийлик органи, прокуратура ва суд томонидан амалга оширилади. Вога етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир. Боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг сўраб, вазифани ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тулгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Мухтасар айтганда, бундай қонун-қоидалар асосида нафақат оила манфаати, болалар ҳуқуқи ҳимояси, балки инсонпарварлик ибтидоси мўҳасамдир. Муҳими, оила қонунчилиги мазмунда оилалар тотуви, соғлом авлод камолоти, она ва бола муҳофазаси йўлидаги улғу мақсадларимиз кафолатланган.

Дилноза ЗУЛУНОВА,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси
марказлашган ФХДЭ архиви мудираси

НАВОИЙДА УЧРАШГҲНЧА, ХАЙР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мен она шахрим — Гулистонда ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларида Сирдарё вилояти ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашга ҳиссам қўшилганидан фахрланаман, — дейди энгил атлетика бўйича кумуш медаль совриндори Дурдона Тўрабекова. — Гулистонда қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги ифодасидир.

«Умид ниҳоллари» — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш мақсадида ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига улуғсиз жалб этишга қаратилган уч босқичли спорт тизимининг дастлабки бўғинидир.

Бу йил қарийб тўрт

ярым миллион ўқувчи тўртман, шахар ва вилоятларда ўтказилган саралаш беллашуларига қатнашди. Мусобақаларда ўз кучи, матонати, чўққон ва абжирлигини кўрсатган 1792 нафар спортчи Гулистонда спортнинг ўн иккинчи турини — бадий гимнастика, гандбол, сузиш, футбол, волейбол, энгил атлетика, шаҳмат, стол теннис, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш бўйича ғолиблик учун куч синашди.

«Умид ниҳоллари — 2009» мусобақалари спорт ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётий эҳтиёжига айланб бораётганини яна бир бор намоён этди. Олимпиада ўйинлари талабларига қатъий риоя қилинган, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик ва тотувлик каби қадриятлар бош мезон бўлган беллашуларда иштирокчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кайд этилди, қўлаб рекордлар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, мамлакат спорт заҳираси иқтидорли ёшлар билан тўлиб бораётганининг яна бир

далилидир.

Бугунги кунда халқаро спорт майдонларида, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган маҳоратли спортчиларимизнинг аксарияти илк бор ўқувчи ва талабалар ўртасидаги ана шундай мусобақаларда кашф этилган.

«Умид ниҳоллари — 2009» дастури доирасида спорт мусобақалари билан бир қаторда қўлаб маданий тадбирлар — таниқли спортчилар, ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилди.

«...Стадион узра майин мусика садолари янгради. «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари байроғи туширилди. Уни сирдарёлик ёш спортчилар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг навбатдаги мусобақасига мезбонлик қиладиган Навоий вилояти вакилларига топширди.

— Навбатдаги «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари Навоий вилоятида ўтказилиши, биз учун юксак шарафдир, — дейди кураш

бўйича кумуш медаль соҳибни, навоийлик Бехзод Дўстқулов. — Мактаб ўқувчиларининг келгуси мусобақалари Навоийда ҳам юксак савияда ўтишига ишонамиз.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари машъаласи аста-секин сўнди. Бирок у мусобақалар қатнашчилари қалбига жо бўлган, катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайди.

«Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг концерт дастури билан якунидади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Э.Зоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХҲЖАЕВ,
Дилором ЭСОНОВА,
ЭСА махсус мухбирлари
Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар



Таълим масканларида

ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ

Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия беришда ўқувчиларнинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Негаки, ахборот технологиялари такомиллашган бир вақтда ёшларнинг турли соҳаларга қизиқишлари ортиб бормоқда.

Маълумки, бугунги кунда каттаю кичикнинг компьютерга ишлатиш, ёзишни мукамал ўрганиши талаб этилмоқда. Шу боис ҳар бир ўқувчидан ёшларга компьютер сабоқларидан малакали ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан шахримиз мактабларидаги билимли, тажрибали, энг яхши фан ўқитувчиларини аниқлаш мақсадида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловини бўлиб ўтди. Барча фанлар қатори информатика фани ўқитувчилари ўртасида ҳам ушбу танлов ўтказилди. Мазкур танловнинг шаҳар босқичида қатнашган Собир Раҳимов туманидаги 119-умумтаълим мактабининг информа-

тика ва иқтисод фанлари ўқитувчиси Муножат Абдугаппарова иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ўқитувчилик касбига меҳр қўйган Муножат ўрта мактабни олтин медалга тамомлаб, Тошкент Иқтисодий университетининг «Иқтисодий кибернетика» факультетида ўқишга имтиёзли қабул қилинди. Институтнинг тамомлағанидан сўнг «кибернетика» илмий ишлаб чиқариш институтида фаолиятини бошлаб, малакасини оширди. 1996 йилдан бошлаб 119-мактабда ўқувчиларга информатика ва иқтисод фанларидан сабоқ бериб келмоқда.

— Информатика курсининг асосий мақсади, ўсиб келаётган авлоднинг компьютер ёрдамида мустақил фикрлашга, тасаввурини ривожлантиришга ва ўзининг ижодий режаларини ҳаётга татбиқ этишга ўргатишдан иборатдир, — дейди Муножат Абдугаппарова. — Менинг асосий мақсадим эса, ўқувчиларга компьютер техникасидан фойдаланишни ўргатиш, шуғуланишлари-

Фарзандларимизни ҳар томонлама билимли, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган қомил инсон этиб вояга етказишда ўқитувчи-устозларнинг ҳиссалари беқийёдир.

га ёрдам бериш, бўш вақтларини мазмуни ташкил этишдан иборат. Шунинг таъкидлаш керакки, компьютер билимларини улаштириш фақат ўқитувчининг талаби эмас, бу давр тақозоси ҳамдир.


Муножат «Энг яхши фан ўқитувчиси» танловига ўтилган дарсда педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда кўргазмали қуроллар ва слайдлар орқали ўз билим ва маҳоратини тўлақонли намоён этиб, қўнчилиқнинг эътиборини қозонди.

— Дарсда интерфаол усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилдим, — дейди Муножат. — Мазсуни тўлиқ ёритишга, ўқувчилар билимини тўғри баҳолашга эриша олдим, деб ўйлайман.

Танловнинг охириги босқичида Муножат ўзи яратган концепциясини ҳимоя қилди. Бунда у ўзи яратган «компьютер техникаси воситалари» мавзусидаги слайднинг намоиши этиб, ўқувчиларга компьютер техникаси воситаларининг ҳар бири учун алоҳида электрон дарслик яратишга ҳаракат қилди. Бу дарс орқали ўқувчилар компьютернинг ҳар бир қурилмаси билан танишадилар, тест вариантлари орқали ўз билимларини синаб кўрадилар. Ўқувчиларнинг компьютер бўйича саводхонликларини оширишда бор билим ва тажрибасини аямайдиган, жонқуяр ва талабчан Муножат Абдугаппарова мактаб жамоасининг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонган.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТДА: Муножат Абдугаппарова ўқувчилари билан.

Айни кунларда шахримиздаги барча мактабгача таълим масканларида, сўлим боғларда болақонларнинг шўх-шодон қийқириқлари, жарангдор қулгулари баралла эшитилиб турибди.



Кулгуларинг жаранглаб, дунё шодлиққа тўйсин,
Ниғонингдан ўт чўқнаб, олам ёришиб турсин.
Шўх-шодон овозларинг, дунёларни тўлдирсин
Болам, кўзларинг чўқнаб, қадамидан гул унсин.

Учтепа туманидаги 431-мактабгача таълим муассасасининг байрамони руҳда безатилган мўъжазгина шиная ҳовлисида ҳам ана шундай сурурли байрам тантанали равишда нишонланди.

— Бизнинг мактабгача таълим муассасамизнинг ташкил топангани яқинда 40 йил тўлади, — дейди ушбу мактаб мудираси Дилноза Мусоева. — Бочамиз куну тун фаолият олиб боришга мўлжалланган. Бу ерда асосан ақлий ривожланиши суяст ва тўғма нуқсонли болалар тарбияланадилар. Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Унта гуруҳдан иборат ҳар бир бўлимда битта ўқитувчи, педагог, дефектолог, иккита тарбиячи педагог ва битта тарбиячи ёрдамчиси фаолият юритади. Болалар нуқсонларини эътиборга олган ҳолда махсус тузилган ва тасдиқланган дастур бўйича коррекцион таълим-тарбиявий ишлар комплекс равишда олиб борилади. Шунингдек, жисмоний тарбия, мусика машғулоти, ўқалаш

муолажалари, фитобар хоналарида доимий равишда соғломлаштириш машғулоти ўтказилади. Жумладан, психоневролог, психолог, куну тун болақонлар саломатлигини тиклаш йўлида фаолият юритадилар. Болаларимизнинг аксарияти ногирон бўлсаларда, уларнинг фикрлаш даражалари, иштилоши ва қизиқишлари баъзан бизни хайратга солади. Бугунги тадбир эса уларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Болаларнинг соғлиқларини тиклаш ва оғзинга бўлсада, уларнинг нуқсонли камчиликларини бартараф этиш мақсадида шифокорларимиз ёрдамида қўлаб тиббий муолажаларни амалга оширмоқдамиз.

Нозу неъматларга тўла дастурхон атрофида болалар ўз тарбиячилари билан биргаликда куй ва қўшқилар қўлаб, рақсларга тушиб ўз қувончларини кўз-кўз қилдилар. Жажжигина болақонлар тилидан айтаётган шўхнинг мисралар ва турли жил саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Тадбир сўнида ҳомийлар томонидан тарқатилган совғалар нафақат болақонлар, балки уларнинг ота-оналарига ҳам хўш кайфият бағишлади. Ҳа, дунё гўзаллиги, олам нурафонлиги одамлар бахту соадатининг бутунлиги болақонларнинг беғубор қулгулари билан уйғундир.

Гулҷеҳра ДҲРИЕВА
СУРАТДА: байрам дастурхонда.
Ҳақимжон Солиқов олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Кўп ҳолларда режадан ташқари текширувлар келиб, фаолият юритишимизга ҳалақат беради. Шу тўғрими?

М.Ҳайдаров,
Мирзо Улугбек тумани

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширишлари объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослигини кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб ҳизмат қилади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қўйидаги ҳолларда ўтказилади: текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қароридан келиб чиққанда; назорат қилувчи органга ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушқанда;

фавқуллода вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганида;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблаганда, шунингдек, қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келган тақдирда режадан ташқари текширувлар ўтказилиши мумкин.

Яқинда никоҳдан ўтиш учун ФХДЭ бўлимига ариза билан мурожаат этган эдим. Аммо никоҳ ёшига етмаганлигим сабабли никоҳдан ўтиш ҳолатига доир қонун-қоидаларга амал қилишим зарурлиги тушунтирилиб, аризамни қайтариб беришди. Шу тўғрими?

Ш.Рустамова,
Яқкасарой тумани

Дарҳақиқат, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бир қатор шартлар талаб қилинади.

1. Никоҳдан ўтишнинг ихтиёрийлиги (14-модда)
2. Никоҳ ёши (15-модда)
3. Никоҳдан ўтишга монелик қиладиган ҳолатларнинг бўлмағлиги (16-модда)
4. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари (17-модда)

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-моддасига биноан, никоҳдан ўтиш ихтиёрий бўлиб, бўлажақ эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиши керак.

Республикамизда никоҳ ёши аёллар учун 17, эркаклар учун 18 қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда (никоҳдан ўтувчи шахслардан бири Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасига биноан эмансипация ҳолатида) муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган бўлса, никоҳ ёши никоҳланувчи шахслар ариза берган туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан кўпи билан бир йилга камайитирилиши мумкин.

Ушбу саволларга Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси Васила КАРИМОВА жавоб берди.

Мен бир фуқаролик ишида вакил сифатида иш-тироқ этмоқдам. Менин бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларим нимадан иборат?

С.Ҳайдарова,
Миробод тумани

Фуқаролик-процессуал кодексининг 34-моддасида фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиши, улардан кўчирмалар олиш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш ва далилнинг текширишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд жараёнида тугиладиган масалалар бўйича ўзининг ваҳжларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, ваҳжларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ақрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ақрими ва қарорининг мажбурий ижросини талаб қилиш ва ушбу Кодекда назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кейинги йилларда юридик шахс деган тушунчани тез-тез учратамиз. Бирок, мен бу ҳақда етарлича тушунчага эга эмасман. Айтинг-чи, юридик шахс деганда қимлар тушунилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д.Пўлатова,
Чилонзор тумани

Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси ҳақида сўз юритилган бўлиб, ўз мулкда, ҳўжалик юритишда ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳақда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни бажарадиган, судда даъвогар ёки жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Юридик шахсларнинг қуйидаги турлари мавжуд: тижоратчи ва нотижоратчи ташкилотлар.

Шу билан бир қаторда юридик шахслар ушбу кодекснинг 44-моддасига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибининг бузилиши ёки унинг таъсис ҳужжатлари Қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, юридик шахс ўз номи ва жойлашган ерига эга бўлиши (46-модда); юридик шахсга жавобгарлик масаласи (47-модда); юридик шахсни қайта ташкил этиш (48-модда); юридик шахсни тугатиш (53-модда) каби масалалар ҳам ушбу кодексда ўз ифодасини топан бўлиб, бу ҳуқуқий тартибга солинадир.

Ушбу саволларга ҳуқуқшунослар Ҳусан ҚАЗАҚ-БОЕВ ва Мирғўёс АБЗАЛОВЛАР жавоб бердилар.

Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирлар, спорт мусобақаларида 1000 дан ортиқ истеъдодли ва зукко талабалар, спортчи ёшлар ҳамда мураббийлар ўзаро беллашган бўлса, 6000 дан ортиқ мухлислар уларни олқишлаб турдилар.

Фестиваллар

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида «Талабалар баҳори — 2009» фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотида сўнг талабалар ва мураббийларимиз учун спорт майдонларимиз, маданият саройи чинакам кўнглили ҳордиқ чикариш масканларига айланди.

Шундан сўнг фестиваль ғолиблари эълон қилинди. Мураббийлар ўртасида ўтказилган шахмат-шашка мусобақалари барча мухлисларда катта қизиқиш уйғотган эди. Аёллар ўртасида шашка мусобақасида журналистика факультети, эркеклар ўртасида уюштирилган шахмат турнирида ўзбек филологияси факультети жамоалари ғолиб бўлишди.

ловиди физика факультети биринчи, фалсафа факультети иккинчи, иқтисодиёт факультети учинчи ўринни эгаллашди. Ўзбек гуруҳлари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» танловида биринчи ўринни механика-математика, иккинчи ўринни физика факультети, учинчи ўринни география факультети, русийзабон гуруҳлари талабалари ўртасидаги «КВН» кўрик-танловида биринчи ўринни иқтисодиёт, иккинчи ўринни хорижий филология, учинчи ўринни механика-математика факультети талабалари эгаллашди.

Фестивалда энг фаол бўлган «Камолот» ва «Талабалар касба уюшмаси раиси» йўналиши бўйича механика-математика факультети «Камолот» етакчиси биринчи ўриннинг соҳиби бўлди.

Ғолиб деб топилган жамоалар муносиб тақдирландилар.

Барча мусобақа ҳамда беллашувларда умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллаган иқтисодиёт факультети жамоаси махсус диплом ва компютер билан тақдирланди.

Иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган механика-математика, физика ва хорижий филология, фалсафа факультетларига ҳам диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

Талабалар қалбига ўчмас из қолдирган маъзур фестивал ҳақида анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан ўртоқлашдик.

Азамат КАМОЛОВ, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

ти етакчилари кенгаши раиси:

— Бу анжуман талаба ёшларимиз қалбига она Ватанга бўлган муҳаббат туйғуларини янада жўш урдиришига шубҳа йўқ. Муҳими, бундай фестивалларда, мусобақалар, беллашувлар чинакам истеъдод соҳибларини, қаққон ва эпчил спортчи ёшларни саралаб, камолга етказишига хизмат қилади.

Ислом ХАМРОЕВ, ЎЗМУ талабалар касба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Фестиваль доирасида ўтган «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда талаба-ёшларнинг ўрни ва роли» мавзуда илмий-амалдор конференция кўлаб истеъдод соҳибларини ҳам кашф этди. Иқтидорли талабаларнинг маъзур илмий анжуманга тақдим эт-

ган маърузалари тўғрисида нашр этилган илмга чанқоқ ва изланувчан ёшларни янада илҳомлантирмоқда.

Зарнигор УМАРОВА, талаба:

— Катта майдонда факультетимиз раъмлари олиб ўтилаганда қалбимда чексиз хаяжон ҳукмрон эди. Қаранг, юрт тинчлиги, эл осойишталиги қанчалик улғу неъмат! Шундай улғу замонда қанча байрамлар, фестиваллар, тўй-томшалар қилсак арзийди. Келгусида ҳуқуқшунос бўлиб етишсам, Ватан ободлиги, юртдошлар манфаати учун бор билимимни аямайман.

Анъанага кўра ғолибларни тақдирлаш маросими хушовоз хонандалар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқларга уланди.

Элёр УРОЛОВ, ЎЗМУ талабаси, Азиза УСМОНОВА, ЎЗМУ ахборот хизмати

Кўргазмалар

МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ ИЖОД КЎРИГИ

Она замин барчамиз учун муқаддасдир. Унга бўлган меҳру муҳаббатни ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир шеър у гагаларда мадҳ этса, яна кимдир қўшиқ қилиб куйлайди. Мўйқалам устаси эса она Ватанига бўлган меҳру муҳаббатини ўзи яратган санъат асарларида акс эттиради.

Куни кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида юртимизнинг иқтидорли мўйқалам соҳиби Зебинисо Шарипованинг «Баҳор. Севги. Лолақизгалдоқ» деб номланган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Зебинисо Шарипова 1967 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида тавалуд топти. Унинг болалик чоғидан расм чизишга бўлган қобилияти ўз устида тинимсиз изланишга қорлайди. Унга илҳом бахш этган илк нарсаси, унинг табарруқ заминидеа тугилиб вояга етганлиги, она Ватанига бўлган меҳру муҳаббати боисидир.

З.Шарипованинг шахсий кўргазмалари 1999 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, илк бор 1999 йили Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида, 2002 йилда «Инкобель» бизнес марказида, 2003 йилда Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида, айнан шу йили Германия ва Францияда, 2005 йили

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги маданият марказида рассомнинг шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган. Бундан ташқари 2001 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 10 йиллигига бағишланган кўргазма, 2007 йилда ўтказилган «Тетрагон» кўргазмасининг ҳам иштирокчиси ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, рассомнинг ижод коллекцияларидан реализм йўналишига оид 100 дан ортиқ асарлар ўрин олган.

Мусавирнинг «Баҳор. Севги. Лолақизгалдоқ», «Хотира» (она портрети), «Оқ фа-ришта», «Кўтарилиш», «Ҳофиз Шерозийга бағишлов», «Ота портрети», «Хаёлга чўмиш», «Бедуин» ва бошқа кўлаб асарлари ҳар бир кишини чуқур уйлашга, мулоҳаза қилишга қорлайди.

Рассом Республика ва халқаро танловлар ғолиби ҳамдир.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Самбо

ЎСМИРЛАР ГИЛАМГА ТУШДИ


Шаҳримиздаги «Жар» спорт мажмуасида икки кун давомида 1992 — 1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 117 нафар спортчи галаба учун кураш олиб борди.

Республикамизнинг деярли барча вилоятларидан таширф бўлган ёш самбочилар 40 килограммдан бошлаб 78 килограммдан ортиқ, жами 12 та вазн тоифаларида бахс юритишди.

Кутилганидек, самбонинг энг чиройли усуллари асосан ҳал қилувчи ярим финал ва финал беллашувларида кўпчилик спортчилар томонидан қўлланилиб, мухлисларнинг олқишлариغا сазовор бўлди.

Тошкент шаҳри вакиллари С.Пак ва Т.Бикитиев, И.Тилаволдиев (Андижон), А.Ўқубов (Самарқанд) каби ёш самбо усталари кескин ва шиддатли бахсларда галабага бўлган чуқур интилишини намоян қилган ҳолда ғолиблар сафини бошқаришди.

Қолган вазн тоифаларида эса Ж.Мухторов (Самарқанд), Ж.Раҳимов, Ж.Мамашарипов, С.Собиров, В.Искандаров (Хоразм), Д.Шарипов (Андижон)



хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Турнирнинг ғолиб ва совриндорларига дипломлар, медаллар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. (Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: биринчиликдан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

ҲАР ТЎҒРИДА

• Кушларнинг қони энг ширин ҳисобланади. Қон таркибидаги қанд миқдори балкиларда жудаёам камлиги аниқланган.

• Исроил физиологларининг берган маълумотларига кўра, меҳнат таътилининг фойдали таъсири ишга чиққандан, яъни уч кундан сўнг ўз қучини йўқотар экан.

• Ҳайвонлар ҳақидаги қизиқ маълумотлар кўп. Шулардан бири, иссиқ қонли ҳайвонларгина титрай олади.

• Мушуклар ўлжага эришиб бўлмастлигини билшигач, уларнинг пасти жағи титраб, тишлари тақиллаб кетади.

• Парижда «канализация тизими бўйича гид» касби мавжуд.

• Охириги юз йил давомида туш кўриш 20 фоизга камайгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Уйқусизлик билан кўп ҳолатларда ҳуқуқ ҳодимлари, педагог ва ижодий касб эгалари азият чекишар экан.

• Баъзи бир олимларнинг фикрича, ажралиш аёлларнинг иммун тизимини кучсизлантирар экан. Севимли эрларидан айрилиш уларни инфекция қурбонига айланишига олиб келишини олимлар илгари суршишмоқда.

• Цюрих аэропортида йўловчиларнинг қочиб кетган ҳайвонлари ва қушларини тутиш учун овчилар ишлашади.

Аъзам АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеа 2009 йил 7 июль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юносод тумани суд икромчилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МОХ авто-стовенкасида сақланган кўйидагилар кўйилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 17.10.08 йилдаги 44-сонли икром варақасига асосан, «Тико» русумли, д/р 10Х2330 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 883 008 сўм. 2. ЖИБ Юносод тумани судининг 17.12.08 йилдаги 1-1012/08-сонли икром варақасига асосан «Леганс» русумли, д/р 20.06488 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 025 114 сўм. 3. ЖИБ М.Улугбек тумани судининг 12.11.08 йилдаги ЖСК-1-911/2008-сонли икром варақасига асосан, «Тойота-Лexus-LX-470» русумли, д/р 30К3535

бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм. 4. ЖИБ Сергели тумани судининг 03.03.09 йилдаги 1-1360/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 30А1181 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 422 025 сўм. 5. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 03.03.09 йилдаги 23-сонли икром варақасига асосан хатланган «БМВ» русумли, д/р 1123081 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 018 721 сўм. «БМВ-520» русумли, д/р Х829SPM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 831 075 сўм 20 тийин. 6. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 18.12.08 йилдаги ЖСК-1-568-08-сонли икром варақасига асосан хат-

ланган: — «БМВ-316» русумли, д/р 30 Z6479 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 339 890 сўм 40 тийин; — «Нексия» русумли, д/р 30S6979 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 000 000 сўм. 7. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 19.01.09 йилдаги 20-сонли икром варақасига асосан хатланган: «Нексия» русумли, д/р 30 S 4077 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 046 490 сўм; «Нексия» русумли, д/р 2182100 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 780 510 сўм. 8. ЖИБ М.Улугбек туманлараро судининг 30.03.09 йилдаги 3-сонли икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар 8-сонли жарима майдонда сақланган «Ваз-21093» русумли, д/р 10L8715 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 501 000 сўм.

Маъзур автотранспорт воситалари билан туман суд икромчилари бўлими вакоили иштирокидеа бевоСИта жойига чивиб тавишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан арзишлари қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Ушбу савдосига қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАЙБ-Ипак йўли бани» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114 МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва эсума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишининг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида териди ва саҳифаланди. «Шарк» нашрий-матбوع акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 156

03=03 ЎРГАНИД ДОМО БИГУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР МАХТУМКУЛИ ЭРДА ГАЙРАТ БЎЛСА, ИШИ КИЙИНМАС.

Мард йигитлар бузук жойга қарамас! Тўқсон турли таом бўлса қошингда, Лаззат йўқ ичида туз ҳам бўлмаса. Не биларсан на иш бордир бошингда. Мушкул ишдир бошда кўз ҳам бўлмаса.

Қисматин ҳақ билган ризкин изламас. Ёзга етсанг, унутмагин қишингини.

Дўстларим, душман билинг, ҳар кимсада бордир чилим, — У билан дўстлашманг асло, лаънати кордир чилим, Сўзлайин ҳоли дами бир афъи ё мордир чилим, Тортар ўзин-ўзига афсунчи зангардир чилим, Қайда бўлса ахли фосиқ, ўртада бордир чилим.

Тушган ул мажлис аро, кимки чекар, бемор этар, Кўл билан алдаб сени, ҳар дам ўзига зор этар, Соғ-саломат кўймоғин энди ўзига ор этар, Кўл-оёғин шол этиб, халқ ичра бешак хор этар, Бу сифатлар бирла ул, чекмангки, бадкордир чилим.

Замона шундайдир, кўзга илмаслар, Ҳар йигитнинг кўлда бори бўлмаса. Тилладек сўзинг бир пулга олмаслар, Ҳар кишининг эътибори бўлмаса.

Йигитга йўқчилик ёмон балодир, Сўзини тенгқурдин четга солади, Ёмон қилиқ дўстни душман қиладир, Қуриб кетсин эл даркори бўлмаса.

Юз йил яшаб, беш кун умр кўрмагандир, Ҳар кимнинг муносиб ёри бўлмаса.

Ҳар эл одат қилса шароб ичмоққа, Ул юрда хавф-хатар дармонга келгай.

Йўқчиликда нечаларнинг даврони Ётиб, яхши кўрган тушига этмас. Нечалар ҳасратда топадир нонини, Бир лаззатли таом тишига этмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Моддий-техник таъминоти бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Носир Муталипович МУТАЛИПОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.